

Янгича ёндашувлар

ХОЛИС БАҲОЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ



Оттабек ҲАСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари



“Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали” (vacancy.argos.uz) ишга туширилди. Очiq танловларни ташкил этадиган бу электрон тизим “бир дарча” тамойили асосида фаолият кўрсатади. Муҳими, электрон тарзда ҳужжат топширилгани учун бу портал номзодларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилишда инсон омиллини минималлаштиради.

Бошланиши 1-бета

Агентликка давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш масъулияти юклатилди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда инсон ресурсларини бошқариш тобора стратегик вазифага айланмоқда. Тадқиқотлар кўрсатаяптики, инсон ресурслари самарали бошқариладиган ташкилотларда ривожланиш, иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошлик юқори бўлади.

Агентлик ўз фаолиятини раҳбар кадрлар билан ишлашнинг узак йўналишларини белгилаш ва давлат хизматчиларига қўйиладиган талабларни аниқлашдан бошлади. Бунда кадрлар сиёсатини давлат сиёсатига, Президентимиз нутқларида илгари сурилган ғояларга мослаштиришга ургу берилди. Натижада турли бўғин ва лавозимларга мослаштирилган компетенция моделлари ишлаб чиқилди. Раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва уларни ривожлантиришда айнан шу компетенциялардан келиб чиқиб устувор вазифага айланди. Дарвоқе, тизимли фикрлаш, стратегик ёндашув, натижага йўналганлик, етакчилик, масъулият, стрессга бардошлилиқ, ўз устида ишлаш каби компетенцияларга талаб кучли эканлиги маълум бўлди.

12 та туманда КРІ тизими йўлга қўйилди

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат хизматчилари самарадорлигини оширишга алоҳида тўхталиб: “Бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун, аввало, давлат хизматчилари фаолиятини холисона баҳолаш бўйича самарали тизим жорий этиш зарур. Давлат органларида эртага, истиқболда қандай вазифалар долзарб бўлиши, содда қилиб айтганда, беш, ўн, йигирма йилдан кейин қандай муаммолар олдинда кўриладиган бўлишини прогноз қиладиган тизим ҳали шаклланиши йўқ”, деган эди.

Давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш ҳамда Президентимизнинг бу борадаги сиёсий иродасини амалга ошириш мақсадида агентлик томонидан замонавий менежмент усулларидан бири бўлган КРІ (ингл. Key Performance Indicators), яъни энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (ЭМСК) асосида давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаб бориш тизимини жорий этиш бўйича илк ҳаракатлар бошлаб юборилди. Хусусан, жорий йилдан бошлаб республиканинг 12 та тумани (шаҳар) ҳокимлигида эксперимент тариқасида (Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани ва Янгийўл шаҳрида, Тошкент шаҳрининг Яшнобод, Хоразм вилоятининг Ҳўраш шаҳри, Ҳазорасп, Янгибозор ва Янгиарик туманларида, Андижон вилоятининг Бўстон тумани ва Хонобод шаҳрида, Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳри ва Қўва тумани, Наманган вилоятининг Чортоқ тумани) ҳоким ва улар ўринбосарлари фаолиятини ЭМСК асосида баҳолаш тизимини йўлга қўйилди.

Тизимга қўра, ҳокимлик раҳбарлари фаолияти аниқ белгиланган кўрсаткичларга эришилшига, яъни натижадорлигига қўра баҳолашиб, рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш амалиёти жорий этилди. Шу билан бирга, лавозимда қолиш ёхуд юқори лавозимни эгаллаш учун заҳирага киритиш ҳам эришилган натижалар таҳлили асосида амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳозирга қадар рейтинг кўрсаткичлари пастлиги сабабли ҳокимларнинг икки ўринбосари эгаллаб турган лавозимдан озод этилди ҳамда рейтинг кўрсаткичи юқори бўлган бир ҳоким ва ҳокимнинг икки ўринбосари юқори лавозимга заҳирага олинди.

Энг асосийси, тизим шаффоф ва холис бўлишини таъминлаш мақсадида баҳолаш учун прогноз кўрсаткичларни белгилаш ҳамда уларга амалда эришилганини ҳисоблаш ҳокимликлардан мустақил бўлган юқори турувчи давлат бошқаруви органлари (Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва ҳ.к.) маълумотлари асосида амалга оширилмоқда.

Ҳозир агентлик томонидан баҳолаш тизимини барча маҳаллий ҳокимликларда жорий этиш мақсадида Президентимизнинг “Маҳаллий ижроия органлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тайёрланди. Лойиҳада баҳолаш жараёнида инсон омиллини минималлаштириш мақсадида энг муҳим кўрсаткичларини ҳисобини юритиш бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Яъни прогноз кўрсаткичларини белгилаш, уларга эришилганлик фактларини киритиш, ҳисоблаш ҳамда мансабдор шахсларнинг рейтингини шакллантириш мазкур электрон платформа орқали автоматик тарзда амалга оширилади.

Меритократия йўлидаги муҳим қадам

Давлат органлари ва ташкилотларида вакант лавозимларни эгаллаш учун номзодларнинг очiq танловлари ташкил этилгани меритократия йўлидаги муҳим қадам бўлди. Том маънода, “муносиблар ҳокимияти” дея таржима қилинадиган меритократия тамойили ривожланган мамлакатларда аллақачон урф бўлган. Нега



деганда, мансаб биллаполаяриндан кўтарилишда эришилган натижалар, қобилият ва кўникмалар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда бу тамойилни амалда қўллаш мақсадида давлат фуқаролик хизматига вакант лавозимларга муносиб номзодларни очiq, мустақил танлов асосида ишга қабул қилиш тизими амалиётга жорий этилди. Шу мақсадда “Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали” (vacancy.argos.uz) ишга туширилди. Очiq танловларни ташкил этадиган бу электрон тизим “бир дарча” тамойили асосида фаолият кўрсатади. Муҳими, электрон тарзда ҳужжат топширилгани учун бу портал номзодларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилишда инсон омиллини минималлаштиради.

Ўзбекистон тарихида илк бор туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари лавозими бўйича эълон қилинган очiq танловлар натижаси ўлароқ, ўнлаб муносиб номзодлар орасидан билим, кўникма ва салоҳияти юқори бўлган кадрлар Янгиарик тумани ва Бўка тумани ҳокими ўринбосари лавозимида фаолиятини бошлади.

Айни пайтгача ягона портал орқали ташкил этилган танловлар натижаларига қўра, 47 нафар энг муносиб номзод давлат идорларига ишга қабул қилинди.

Меритократия доирасини янада кенгайтириш мақсадида агентликда давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули (test.argos.uz) жорий этилди. Бу электрон ахборот тизими 4 та муҳим йўналиш бўйича бошқарув кадрларининг билимларини онлайн тест орқали баҳолаш, уларнинг психологик портретини яратишга хизмат қилади. Ушбу модуль орқали шу вақтга қадар 35 388 нафар ходим тест топширди. Кадрлар сиёсатини такомиллаштириш учун давлат идоралари ва ташкилотларида кадрлар билан ишлайдиган бўлинмаларида ўзгаришлар ясаб талаб этилади. Бу бўлинмаларнинг ишлаш тамойилини тубдан ўзгартриш — кадрлар билан ишлашдан инсон

ресурсларини бошқаришга ўтиш зарур бўлади. Кадрларни излаш, уларни ишга олиш, ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, уларни ривожлантириш каби янги вазифаларни удаллаши учун агентлик томонидан кадрлар бўлинмалари ходимларига инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича маъмул курслари ташкил этилиб, республикадаги кадрлар бўлинмаларининг 350 нафар раҳбари қамраб олинди. Улар учун “HR-менежмент асослари”, “HR-метрика”, “Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш йўналишлари”, “Жамоани шакллантириш усуллари” каби мавзуларда ўқув машғулоти ташкил этилди.

Ассессмент маркази ташкил этилади

Тан олиш керак, илгари раҳбар кадрларни танлаш 1935 йилда жорий этилган маълумотнома-объективкага асосланган эди. Номзод ҳақидаги маълумотларнинг атиги 18 фоизини акс эттирадиган бу ҳужжат ишга қабул қилишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Утган 85 йил давомида ижтимоий ҳаётда юз берган улкан ўзгаришларга қарамай, ҳали-ҳамон бу ҳужжат кадрларнинг лавозимга қўйиллиши ва карьерасида ўз кучини йўқотмаганини кўриш мумкин. Баҳолаш, кадрларнинг муайян лавозимдаги хизмат вазифалари, эришган ютуқлари, қандай кўникма ва компетенциялар соҳиб экани тўғрисидаги ўта муҳим маълумотлар бу ҳужжатда акс эттирилмади. Шу сабабли агентлик томонидан Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда Ассессмент марказини ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Ривожланган давлатларда кенг урф бўлган ассессмент услуби кадрларни комплекс баҳолаш тизимини ўз ичига олади. Бу услуб интервью, сўровнома, кейслар, баҳо-мунозара ва тренинг воситасида давлат хизматчиларининг билими, ҳулқ-атвори, кўникмалари ва компетенциялари даражасини аниқлашнинг энг илгор услубларидан бири саналади. Ассессментга тегишли соҳанинг тажрибали, малакали ва холис мутахассисларини жалб этиш асосида баҳолаш жараёнининг объективлиги таъминланади. Шу тариха раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳияти баҳоланади, аниқроғи, уларнинг кучли ва кучсиз жиҳатлари аниқлаштирилиб, камчилиги ва ожизликларини

Президент ташрифидан сўнг



Қорақалпоқ элини яшнатиш йўлида ҳам Ренессанс даври бошланмоқда

Бошланиши 1-бета

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Қорақалпоғистонда янгилаштирилган давом этаганини таъкидлади.

Қорақалпоғистонда туманларнинг ҳар бирини “ўсиш нуқтаси” этиб иккита устувор йўналиш белгиладиган ва шу йўналиш бўйича ишбилармонлик билан шуғулланувчи субъектлар 3 йилгача турли солиқлардан озод қилинадиган бўлди. Бу, ўз навбатида, тадбиркорнинг қўшимча даромади орттиришига, янги иш ўринларини яратишга имкон беради.

Президентимизнинг Қорақалпоғистонни янада обод қилиш бўйича тақлифлари барча жабҳаларни ўз ичига қамраб олиши билан аҳамиятли бўлди. Масалан, 45 та қишлоқ ва аҳоли пунктини ободонлаштириш, йўллар, ичимлик сув, газ ва электр тармоқларини қуриш, борларини янгилаш, инфратузилмалар яратишга ўшшаган ишлардан ташқари соғлиқни сақлаш, олий таълим, маданият, адабиёт соҳалари ҳам Шавкат Мирзиёев назаридан четда қолмади.

Қанчадан-қанча қорақалпоқ адаблари халқимизга бой маърифий мерос қолдирган. Иқдорнинг сифатида хурсанд бўлганим, XVIII-XIX асрларда яшаган Жийен жиғир, Қунхўжа, Ажиниёз, Умар, Утеб, Аббас Дабиллов, Содиқ Нурумбеков, Тўлпбергел Жумамуратов ва бошқа ўнлаб шоир-эзувчилар, 100 жилдлик қорақалпоқ фольклори, бугунги кунда иқдор қилаётган адабларнинг энг сара асарларини “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари” руқни остида ўзбек тилига таржима қилиб чоп этиш, Ўзбекистон Қарамони, Нукус шаҳрида Ўзбекистон халқ эзувчиси Тўлпбергел Қайипбергеновнинг уй-музейини ташкил қилиш бўйича тақлифларни биз, адабларни гоғдат мамнун этди.

Президентимиз ўтган йили август ойида Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида кўпчилик фуқароларнинг мурожаатида жавобан Бўзатов тумани ташкил қилиниши ҳақида айтган эди. Бир вақтларини тинг-лайдиган кунлар яқин.

йироқлиги важи билан ёпилган, сўнг туман халқи ҳар томон кўчиб кета бошлаганда сўнаёзган умид қайта жонланиб, одамлар бу хабарни зўр шодлик билан қутиб олганини ҳали унутмадик.

Бир йил мобайнида Бўзатов туманида қилинган ишлар бир дунё. Чорвачиликка ихтисослаштирилган туманда янги корхоналар ишга туширилиб, ёшлар, хотин-қизлар иш билан таъминланди. Туман ҳокимининг айтишича, хориждан минглаб бош қорамол, қўй-эчкилар олиб келинган. Туман марказидаги қаровсиз қолган бинаолар, инфратузилма қайта тикланган.

Давлатимиз раҳбарининг яқиндаги ташрифи чоғида туман аҳолиси вакиллари билан онлайн мулоқоти йилгилангани ҳаяжонлантириб юборди. Бўзатовлик нурунингнинг “Хурматли Президент, Бўзатовга шoir Ажиниёзни қайтардингиз. Бўзатовга элини қайтардингиз”, деган эътирофли сўзлари халқнинг юрагини қайнаб чиққанини аниқлаш кийин эмасди. Айниқса, бўзатовлик ёшлар етакчисининг оташин сўзларида руҳланган Президентимиз шу туманда ёшлар фестивали ва иқдор ёшларнинг доимий семинарини ташкиллаштириш тақлифлари илгари сурди ва бу зўр фахр билан қўллаб-қувватланди.

Оққан дарё оқмай қолмайди. Бундан икки-уч аср илгари қорақалпоқларнинг эски макони бўлган Бўзатов атрофларидан турли сабабларга қўра, эл кўчиб кетиб, буз ерлар ва юз минглаб гектар тўқайлар эгасиз ҳолга тушган эди. Ажиниёз шоирнинг:

“Ер ҳам эл биландур, эл ҳам ер билан, Ерсиз элининг умри дарбадар билан”

деганидек, бугун бу тарихий қутлуқ маскан яна ободликка юз тутди. Бундан ҳар бир бўзатовликнинг қўзидаги розилик туйғуларида аниқлаш бўлади. Ажиниёз бобомизнинг икки асрлик армонлари ушалди. Худо хоҳласа, юз йиллик туронгил тўқайларни соҳида ёшлар тилидан Ажиниёз лирикиси оҳанглари тинг-лайдиган кунлар яқин.

Президентимиз сўзларидан дафтаримга тушириб улгурган Қорақалпоғистон элини обод қилишга, халқнинг розилиги йўлида қилиниши керак бўлган ишларни ифодаловчи рақамлар ва далиллар талайгина. Улар орасидан Тошкент шаҳрида “Бўзатов” деб аталган махсус дукон қуриб, унда туманда етиштирилган гўшт, қайта ишлов берилган сўт маҳсулотларини сотиш, шу туманда 5 қаватли турар жойлар ва санаторий, Мўйноқда туристик зона қуриш, ширинмия илдизини чучук қайта ишлаш орқали қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспортга чиқариш, 2030 йилга келиб, 5 та туманни чорвачиликка ихтисослаштириш, пахта хомашесини етиштиришни тўлиқ кластерга ўтказиш масалалари бўйича кўрсатмалар жой олган.

Яқин йилларда Қорақалпоғистонда жаҳонга машҳур аллома — Беруний бобомиз тавааллудининг 1050 йиллигини нишонлаш муносабати билан Беруний туманида музей, Нукусда 100 ўринли она-бола шифохонасини қуриш, опера ва бахшичилик мактаби ишини йўлга қўйиш, фестиваллар ташкиллаштириш, спорт ишчибозларини қизиқтириш, футболчиларимизни янги марраларга интиштириш мақсадида “Орол” футбол клубини олий лигага ўтказиш ҳақидаги сўзлар олқишлар билан қутиб олинди.

Президентимиз бундан илгари Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан элимиз зийлиларига таълим сўзида Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс даврини яратиш бош мақсад бўлишини таъкидлаган эди. Қорақалпоғистонда эса элини обод масканга ялантириш йўлида давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган аниқ режалар барча соҳаларда Ренессанс эришиш учун ташланган дадил қадам бўлди, десак муболага бўлмайди.

Кенгесбой ҚАРИМОВ,
Қорақалпоғистон Езувчилар
уошмаси раиси,
Қорақалпоғистон
халқ шоири

Халқаро ҳамкорлик

Истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди



И. ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

2018 йилнинг апрель ойида Тошкентда Ўзбекистон ва Туркманистон ишбилармон доиралари ўртасида савдо-инвестиция, транспорт-логистика ва иқтисодийнинг турли соҳаларида ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган кенгаш ташкил этилиб, ўз фаолиятини йўлга қўйган эди.

Ўтган қисқа вақт ичида мазкур платформа икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамкорлик майдонига айланди.

Ўзбекистон — Туркманистон ишбилармонлари кенгашининг видеоконференция шаклида бўлиб ўтган навбатдаги йилгилиши амалга оширилётган ишлар ҳамда истиқболдаги вазифалар муҳокамасига бағишланди. Онлайн йилгилишда ҳар икки давлатнинг Савдо-саноат палаталари ҳамда ишбилармонлик доираларининг 30 дан ортиқ вакили иштирок этди.

Тадбир қатнашчиларининг таъкидлашича, сўнгги 2 йил ичида икки томонлама ҳамкорлик доирасида Ашхабодда “Made in Uzbekistan” миллий кўргазмаси ўтказилиб, унда Ўзбекистоннинг 70 га яқин компанияси вакиллари иштирок этди. Тошкентда эса ўзбек-туркман қўшма бизнес форуми ташкил этилди.

— Ўзбекистон — Туркманистон ишбилармонлари кенгаши турли соҳалардаги потенциал инвестиция лойиҳаларини муҳокама қилиш ва амалга ошириш учун қулай платформа бўлиб, иқтисодий мулоқотни фаоллаштириш, икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида ҳамкорлик муҳитини яратиш орқали иқтисодийнинг ўсишига хизмат қилади, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адхам Икромов. — Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда туркман капитални иштирокидаги 148 та корхона, 66 та қўшма корхона ва 100 фойз туркман капитални иштирокидаги 88 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан Ишбилармонлар кенгаши икки мамлакат тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўмақлашадиган, шериклик муносабатларини ўрнатиш ва янги имкониятларга йўл очадиган, бизнес алоқалар соҳасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қиладиган ташкилотга айланмоқда.

Йилгилиш кун тартибиде турли соҳалар бўйича икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Коронавирус пандемияси сабаб иқтисодий тармоқлариде юзага келган муаммоларни ҳал этишда “B2B” форматдаги музокараларни таъминлаш орқали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Туркманистон томони сўнгги уч йил давомида Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари ва мамлакатнинг хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини кенгайтиришдаги фаолиятини юқори баҳолади.

Муносабат

ВАТАН ВА МИЛЛАТ ҚАЙҒУСИ



Бошланғичи 1-бетада

Бугунги оғир кунларда бундайин улғу мақсадларни қўзғаш, эртанги порлоқ кунлар ҳақида гапириш баъзи одамлар ҳаёлида ноқерақдай туюлган бўлиши ҳам мумкин. Нафсиларини айтганда, ҳақиқатан ҳам бу — моҳиятан парадоксал бир саҳна. Назаримда, буни Президентимиз ҳам пайқаган. Бироқ у ўз эътиқодига содиқ қолиб, бундай уй-фикрларга қарши қарашларини қатъий тарзда баён этди:

“Баъзи одамлар, пандемия даврида шу гаплар зарурми, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бундай тор қараш билан яшайдиган кишилар янгилашади. Худо хоҳласа, коронавирус пандемияси ҳам эртани-кечми, албатта, тарихга айланади. Бу касаллик бошланган март ойидаёқ биз ушбу оғир синовдан муносиб ҳолда, янада кучли бўлиб ўтишимиз керак, деб ўз олдимизга улкан вазифа қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадларимиз аста-секин амалга ошмоқда. Биз барчамиз улғу ажодларимиздан ибрат олиб, улғу муносиб бўлиб, доимо эзгу орзу-интилишлар билан яшашимиз керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен илм бошида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномадаги бир фикрга эътибор

учун ҳам соф эмас ва эҳтимол, шунинг учун ҳам сиёсий “дахлиз”ларда бору жамиятда маргинал эди. Миллийлик феноменидан қўрқув, халққа ўзлигини танитишдан тайсаллаш ва керагидан ортқ эҳтиёткорлик миллий жамиятда икки хавфли тенденция томир отишига замин яратди. Булар узоқ йиллар онгу шууримиз, дунёқарашимиз ва ҳатто ахлоқимизга сингиб кетган колониал сиёсат таъсири бўлса, иккинчиси, неоклониал-глобаллашган, маданият ва кадрлар қоришиб кетаётган учинчи минг йиллик “ахлоқи” — “оммавий маданият” хуружи билан боғлиқ эврилишлардир. Айтиш мумкинки, жамиятимиз узоқ йиллар мана шу уч унсура — юртнасал, неоклониал ва иккаласининг ўртасида пажмурда бўлиб қолган анъанавий ахлоқ-одоб доирасида яшади. Ва таассуфки, улғу чагишувидан янги бир гибрида кадрият “ўсиб” чиқди. Биз бугун бунинг ҳисобини тўлаяпмиз. Биз бугун бу кучларнинг, таъсирларнинг миллий ўзгаришга, келажакимизга ва миллат сифатида яшаб қолишимизга хавф туғдиришини англаб етдик. Биз худди боболаримиздай дунёни ақлу заковатимиз, юксак маънавият ва маданиятимиз билангина лол қила олишимиз мумкинлигини тушундик...



рингизни қаратишни ўринли, деб биланман. Яъни: “Энг катта бойлик — бу ақлзаковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир”.

Чиндан ҳам, бугун биз улғу ниятлар билан пойдевор қўяётган янги Ўйғониш даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратилишига, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишига ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришига хизмат қилади.

Ишонманки, ўз тарихида не-не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб фазилатларига таяниб, ўз олдимизга қўйган улғу ва эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз”.

Шавкат Мирзиёев бугунгача давлат раҳбари, Президент сифатида ўнлаб маърузалар қилди. Бироқ бу галги нутқ моҳият-эътибори билан илгариларидан кескин фарқ қилади. Гап шундаки, айнан мана шу нутқда янги Ўзбекистоннинг миллий мафкурасига тамал тоши қўйилди, десам хато қилмаган бўламан. Зотан, янги давлатчилигимизда биз миллий жамият ва давлат барпо этиш, мамлакат устунларини миллий идентитет — соф ўзлик платформалари устига қуриш ва бир давлат ўлароқ миллий ва руҳоний орнаментларимизни очик-ошкор унинг асоси этиб белгилашга ҳеч қачон бундай яқин келган эмасмиз. Мен бу ўринда МИЛЛИЙ МАФКУРА сўзини алоҳида бўрттириб ёзишни истар эдим. Негаки, бугунгача биз амал қилган мафкуралар, “Миллий ғоялар” қайсидир маънода умуминсоний деб бўрттирилган ва байналмилал чимматга ўралгани

“Жамиятни ҳукумат, ҳукмрон сиёсат, мазкур ижтимоий жараёнга рағбатни назарда тутаяди. Зотан, жамиятни ҳукумат, ҳукмрон сиёсат истак-хоҳишига қараб эмас, балки миллий анъаналар ва тарихий ўзликка мос тарзда модернизациялаш кўзланаётган мақсад — давлатнинг миллий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Масалга мана шу жиҳатдан ёндашсак, давлатимиз раҳбарининг Миллий ғоя масаласига нега қайта мурожаат қилгани ойдинлашади.

Албатта, ўтган даврни қоралаш, ҳаммаси нотўғри бўлган, дея уни инкор қилиш адолатдан эмас. Қолаверса, бугун ҳеч ким ундай деяртгани ҳам йўқ. Бироқ хатолардан сабоқ чиқариш, турли сабаб ва ваз-қорсонлар тўғрисида ёпиқлиги-ча қўлиб кетган муаммолар, давлат ва миллат тараққиётига тушов бўлиб турган ижтимоий-сиёсий омилига ечим топиш бугунги ривожланган ва мудом тараққий этаётган замонавий дунёда бекаму кўст яшаб қолишнинг муҳим шартидир.

Мафкура масаласи, энг аввало, илм-фанда, маорифда шаклланади ва палак ёяди. Шу маънода, Президентимиз мазкур маърузасида янги Ўзбекистоннинг миллий мафкурасига ҳам пойдевор қўйди, десам адашмайман. Бугун Уччинчи Ренессанс дея олқишланаётган концепция соф этнолингвистик, мустақиллик таъсирларидан холи, ривожланган дунё илм-фани, маданияти ва санъати дурдоналарини ўзида жо қилган МИЛЛИЙ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ барпо этишимизда муҳим платформа вазифасини ўтайди. Зотан, Шавкат Мирзиёев бу борада замонавий илм-фан ва дунё тажрибалари билан бирга, ўз ўтмишимиз, анъаналаримиз ва юз йиллардан буён эътибор қилинмаган тарихий қадриятларимизга юз бурди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бу борада шундай деди:

“Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, яъни Уччинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгилдик. Бу ҳақда

Давлатимиз раҳбари маърузасида: “Биз Уччинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Ўйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз. Мен ишонманки — ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устуни бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мустаҳкам устун бўлади, десам, ўйламанки, сизлар тўла қўллаб-қувватлайсизлар”, дея масалани кескин ва узил-кесил қўяр экан, бу Ўзбекистоннинг чин маънода янги йўлга кирганини, мамлакатда давлатчилик ва ҳукмрон сиёсат миллий ва тарихий-анъанавий ўзанларга бурилаётганини, мухтасар айтганда, азиз Ватанимиз замонавий дунёга постсовет бир улқа эмас, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН бўлиб юзланаётганидан дарак беради.

Кеча ва бугун: бизга мафкура керакми?

Моҳиятан олиб қараганда, Президентимиз стратегик вазифа сифатида ўртага қўяётган миллий ғоя концепцияси ўтган замонда ҳам бор эди. Хўш, у мавжуд экан, бунинг нимаси тарихий, унинг қай жиҳати инқилобий, деган ҳақли эътирозлар тўғрисида табиий, албатта.

Бунинг изоҳлашдан олдин, узоқ йиллар хаёлларимизда айланган юрган, ўзига жавоб излаётган мана бу мулоҳазаларга тўхталсак ўринли бўлади. Яъни янгилашаётган Ўзбекистон замонавий ҳамжамиятга ўз миллий қиёфаси билан юз тута оладими, умуман, маданиятлар қоришиб кетаётган бугунги глобал дунёда мафкуранинг ўзи керакми? Умумий миллий тараққиётимизда мафкуранинг ўрни қандай? Зиёлилар, раҳбарлар, оддий одамлар учун миллий мафкура нима? Мамлакатимизда миллий мафкурани шакллантириш ва тарғиб этиш сиёсати мавжудми?..

Бу саволлар моҳият эътибори билан 130 йил қарамликда бўлган миллий тафаккуримизни “қўтқаришда” муҳим аҳамият касб этади. Кечаётган 30 йилга яқин вақт ичида жамият “сибират”и ўзгариши қийин кечди. Бу бир томондан ўтиш давридаги маҳдудлик билан баҳоланса, иккинчи томондан, юқорида айтганимиздай, давлатнинг ўзи жамиятнинг миллийлашувида чўчиди, уни кескин назоратда ушлаб турди.

Бугунги Ўзбекистон ҳукумати ҳаракатлари эса бу борада қозилишни эмас, мазкур ижтимоий жараёнга рағбатни назарда тутаяди. Зотан, жамиятни ҳукумат, ҳукмрон сиёсат истак-хоҳишига қараб эмас, балки миллий анъаналар ва тарихий ўзликка мос тарзда модернизациялаш кўзланаётган мақсад — давлатнинг миллий қиёфасини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Масалга мана шу жиҳатдан ёндашсак, давлатимиз раҳбарининг Миллий ғоя масаласига нега қайта мурожаат қилгани ойдинлашади.

“Ислол маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улғу уламолар бутун муслмон оламнинг фахру ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади.

Ун бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган мухташам салтанат юртимизда иккинчи Ўйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қўшчи сингари



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бугун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак.

Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўраемиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо мейморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларини далолат беради.

Мен юқорида Аристотелнинг фикрларини бежиз эсламадим. Ҳаммагизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи — ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё худудидан қайта порлади. Бу даврда юртимиз худудидан биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-ижодий кашфиётлари умумбашарият тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди.

“Ислол маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улғу уламолар бутун муслмон оламнинг фахру ифтихори ва чексиз ғурури ҳисобланади.

Ун бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган мухташам салтанат юртимизда иккинчи Ўйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қўшчи сингари



Давоми 4-бетада



“Бир ўйлаб кўрайлик, ажодларимиз бундай юксак чўққиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини башарият яратган илм-фан ютуқларини чуқур ўрганиш ва бойитишга бағишлаганлар”.

энг тараққийпарвар ҳаракатчилиги — жадидчиликка асос солган Исмоилбек Ғаспиралининг фикрлари гоёт ўринлидир. Жумладан, у “Бир халқ(нинг) ё бир қавм(нинг) ахлоқ касб этмасе истеъдоду ақлиясиндан тугар. Ноқис ақлдан мақбул ахлоқ ва адаб тугмас”, деб ёзади. Сўнг мисолларга ўтади: “Олами исломиятда машҳур ва Овруро Фарангистон уламосина маълум “муаллими соний” номини касб этмиш Абу Наср Форобий ҳазратлари турк ўғли туркдирки, ҳам биринчи уламодан, ҳам биринчи ҳуқумодандир. Али Хусайн Ибн Сино ҳазратлари Овруроода Ави-Сена номи ила машҳур ўлган экан. Турк ўғли туркдир. Юнон қавми Букрот каби табиб ва Арасту каби филүсүф ила ифтихор эдар. Ибн Сино эса, ҳам табиби машҳур, ҳам филүсүфи нодир эди. Ибн Сино Арастунинг ақли дағил эди ва лекин Арастунинг шогирди ўлмауб ўзини Арастуни истеъдоди ақлия ва эҳнияс ила Арастуя баробар келмишдир. Ибн Сино Бухоро мевасидир... Ғазнавийларинг ва Темурийларинг саройлари уламо ва ҳуқома жамиятлари ила шарафландиги тарихларда ёзилмишдир...”, дейди.

Албатта, бу фикрлар “бизда қанча ренессанс бўлиши мумкин” дея бурун жийирувчи, тафаккур доираси тор, ичи ғараз ва хусуматга тўлиб кетган ёки ғарбпараст ва космополит одамлар учун етарли бўлади, деб ўйламан. Нима бўлганда ҳам, мазкур концепция умумий фабуласи, мазмун-моҳияти, ғоя ва ечимига қура, мутлоқ МИЛЛИЙ бир дастурдир. Айниқса, механизми “иш мурватлари” сифатида бизда шу пайтгача тўлиқ тан олинмай, тан олинса-да, беғонасираб, ҳуркиб қараб келинган жадидчи боболаримизнинг қарашлари, методикалари асос қилиб белгилангани буни аққол тасдиқлайди. Зотан, Президентимиз бу иш билан жаҳолат ва қабоҳат, қатағон сиёсат сабаб қарийб бир аср ортага сурилатиб кетган Ўйғониш даври пойдеворига қайта гишт қўйиб, орзулари армонга айлиниб, шаҳид кетган жадид боболаримизнинг муборак руҳи покларини ҳам шод қилгани шубҳасиздир.

Президентимиз айнаи шу борада маърузасида ичкин бир дард билан гапириб ўтди: “Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйламан: мамлакатимизда Уччинчи Ренессансни йиғирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонқуяр зотлар бутун умрларини миллий ўйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиб, миллатимизни ғафлат ботқоқидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

Давоми 4-бетада

Муносабат

ВАТАН ВА МИЛЛАТ ҚАЙҒУСИ



Хўшим Йўлдошев олган суратлар.

Бошланиш 1, 3-бетда

Бу даврда Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Ибрагим домла, Абдулхамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашуррали Зоҳирий, Хожим Муин ва бошқа яна юзлаб улғур инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларида турдилар. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этдилар.

Минг афсуски, жадид болаларимиз ўз олдига қўйган эзгу максادلари амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша даврнинг турли жоҳил кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўлдилар. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва катағон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди.

Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадий мероси биз учун бугун ҳам беқиёс аҳамиятга эга.

Утган аср бошларида замонавий мактаб ғояларини тарғиб қилиш, кенг омма олдига олиб чиқиш анчайин мушкул замонда Маҳмудхўжа Бехбудий сингари жадидларимиз ўз ҳисобларидан мактаблар очди. Ёш авлодни саводли қилиш, ҳақ-ҳуқуқларини билиш, дунё ҳамжамияти саҳнасига олиб чиқиш йўлида хизмат қилди.

Айтишларича, кўҳна Самарқанднинг Намозгоҳ жоме масжиди атрофида Маҳмудхўжа Бехбудий аждоқларига қарашли кенг ва обод боғ бўлган. Катта ҳудуддаги олмасор ва тоқзорга, албатта, Самарқанднинг иқлими ижобий таъсир кўрсатган. Боғдан келган



“Тан олиш керакки, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойлиқни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган.

қолди. Айниқса, миллий масалаларда. Жадидлар таърифи билан айтганда, “социализм меҳнатда синалган қардошлиқдан бошқа на динни, на ирқни, на миллатни, на тилни тан олади. Уларнинг қондаси ва мақсади: “Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!”. “Социалистлар” ва “социал демократ”ларнинг “адолат”, “мусовийлик” ҳақидаги шиорлари ташқаридан жуда жимжамдор, кишини махлиё қилувчи бўлиб кўринади. Аслида бу назария уни туғдирган сабабларга мувофиқ иш тутади... инқилобий курашга, қон тўкишга чақиради...”

Мен меҳнат фаолиятим давомида педагогика-муаллимлик соҳасида ҳам ишлаганман. Шу боис, мактаб ҳаёти, ўқитиш дастурлари ва услубидан бирмунча хабардорман. Мени ҳайрон қолдирадиган жиҳат шуки, мустақил бўлганимизга 30 йил бўлаётган бўлса-да, кўплаб дарсликлар мундарижаси, ўқитиш методологияси ҳамон эскича давом этмоқда. Бунга мен невараларим дарсларини, вазифаларини назорат қилиш давомида кўп бор дуч келганман. Қаранг, барибир қизиқ-да, эркинликка чиққанимизга 30 йил бўлаётган бўлса-ю, ҳамон совет методологияси “миллий таълим” деб аталмиш маориф соҳамизни “гуллатиб” турса...

Мен фурсатдан фойдаланиб, бу борада яна шуларни қўшимча қилмоқчи-



манки, бу фикрларим Президентимиз илгари сурган ғояга ҳамоханг. Назаримда, **мактаб дастурларини тўлиқ қайта кўриш, бугун муҳимдир. Зеро, дарсликлар савияси, сифати ва мазмун-моҳияти кескин ислоҳга муҳтож. Айниқса, болаларимизга ўқитилаётган тарих, она тили ва адабиёт китоблари мундарижаси ва дарс соатларини ўйлаб кўриш, хусусан, адабиёт дарсликларини қадимги туркий халқлар оғзаки ижоди ва фольклори, ёзма адабиёти намуналари билан янада бойитиш, туркий халқлар тарихини, тилини изчил ўргатиш лозим.** Негаки, бизнинг аждоқларимиз шу заминда паллак ёйган. Бизнинг чин тарихимиз умум-туркийлар тарихидир. Биз энди туркий халқ ва давлат эканимизни баралла айтишимиз, бундан чўчимаслигимиз керак. Болаларимизга биз “кўпмиллатли” ягона совет оиласида етишган қурама бир қавм эмас, балки ботирлари дунёнинг ярмини измига бўйсундирган буюк бир миллатнинг ворислари эканимизни уқтиришимиз зарур. Шундагина миллий онг, миллий ғурур, ватанпарварлик ва миллатпарварлик деган туйғулар шаклланиди, болаларимиз тафаккурида, қалбда томир ёяди.

Биз нима қилаямиз? Афсуски, ҳали-ҳамон кўрқиб-писиб ўтирибмиз. Энг ачинарлиси, бугунги мактаб

дарсликларининг аксарияти совет даври педагогикаси методологиясидан тўла воз кечолгани йўқ. Ваҳоланки, бу методологиянинг бош мақсади миллат болаларини миллийликдан бегоналаштириш эди... Юқорида келтирганим, тарихчи Шихобиддин Маржонийнинг фикрлари бекорга эмас эди. Зотан, ҳаракатсизликка учраган ҳар қандай жараён таназзулга маҳкумдир.

Таассуфки, мустақиллик йилларида бизда таълим соҳаси шундай тушкунликни бошидан кечирди. Замон шиддат билан ривожланаётган, илм-фан соат сайин тараққий этаётган бир пайтда биз ўзимизга махлиё бўлиб ва аждоқларимиз тарихий мероси билан



ғурурланиб шундай ботқоққа ботиб қолдик. Ҳолбуки, бугун биз энг аъло, деб қарайтган таълим дастурлари ҳам кун сайин янгиланиб бораётди. Хусусан, “Alibaba” корпорацияси асосчиси Жек Ма Москва давлат университетига ўқиган маърузасида шундай деган эди:

“Замонавий таълим бугунги куннинг асосий муаммоларидан биридир. Ўқитиш усулларини ўзгартириш керак, акс ҳолда, келажакда бизни жиддий муаммолар кутмоқда. Икки юз йил олдин бизга ҳозиргидай ўргатилган.

Бу билимга асосланган усул. Аммо болаларга машиналар билан рақобатлаша оладиган жуда кўп маълумот бера олаймиз. Шунинг учун, биз уларга ҳеч қандай машина қила олмайдиган нарсаларни ўргатишимиз керак...”

Дунё ITдан DTга қараб ҳаракатланмоқда. Кўпчилик DT нима эканини тушунмайди (худди шундай IT нима эканини кўпчилик билмайди). Ахборот технологиялари (IT) аста-секин маълумотлар технологияси (data technology, DT) томон илдам кетмоқда. Гап энди

бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойлиқни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир кўлёмаларга дунё аҳли ҳавас қилади. Биз бу ҳақиқатни ҳар томонлама теран англашимиз зарур.

Буюк аждоқларимизнинг бетакорр ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланishi керак. Бу ўлмас мерос ҳаммиш ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини



ана шундай руҳ билан сугоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли улаомларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур.

Таълим ва илм соҳасига бундай ёндашув, албатта, мамлакат ҳаёти ва турмушимизда ўз изини қолдирди. Бунинг таъсирини ҳаётимизда, кундалик турмушимизда кўриб турибмиз. Шу маънода, бугун Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистон келажакни маориф ва таълим ҳамда илму фанда кўраётгани, Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтараяётгани мамлакатимиз том маънода янги йўлга ўтаётганини, тарихий шавқати оламни



Назаримда, мактаб дастурларини тўлиқ қайта кўриш, бугун муҳимдир. Зеро, дарсликлар савияси, сифати ва мазмун-моҳияти кескин ислоҳга муҳтож. Айниқса, болаларимизга ўқитилаётган тарих, она тили ва адабиёт китоблари мундарижаси ва дарс соатларини ўйлаб кўриш, хусусан, адабиёт дарсликларини қадимги туркий халқлар оғзаки ижоди ва фольклори, ёзма адабиёти намуналари билан янада бойитиш, туркий халқлар тарихини, тилини изчил ўргатиш лозим.

ларзага солган тупроқларимизда яна қудратли бир давлат ва дунё саҳнасига ўз сўзини айта оладиган, жажон аҳлини ўзига қарата оладиган буюк бир миллат камол топишида қўйилган дадил қадам бўлди, десак муболага қилмаган бўламиз...

Тарихнинг изми шахслар қўлидадир

Тарих шундай тилсимли, ажойибки, боши берк кўчага кириб қолган, кишилик жамияти жоҳилият ёки таназзулга юз бораётган бир пайтда унинг ғилдирагини тўғри йўлга солиб юборадиган куч доим ўртага чиққан.

Буни тарихчилар соддагина қилиб “тарихий зарурат” дейди. Нютоннинг қарийб афоризмига айланб кетган эллилар даврига оид “Агар Клеопатранинг бурни озгина қийшиқ бўлганда тарих тамоман бошқа йўлдан кетарди”,



деган ҳазиломуз таъкиди тағматнида ҳам ўша “тарихий зарурат” зоҳир эканини кўриш мумкин.

Бу ўринда Нютонни инкор қилиб бўлмайди. Зотан, маликнинг ақл-идроки дунё тарихига Рим ва Миср тамаддуни деган қўш марваридни бергани айни ҳақиқатдир. Албатта, бу каби буюк уйғониш ва цивилизациялар оёқланишига бундай энгил ва юзани қараш, ёндашиш ҳурматсизликдай бўлиши мумкин. Бироқ ҳақиқат шундаки, аксарият ҳолларда дунёни ўзгартирган, унга тартиб ва фасоҳат берган, қуриб бораётган ниҳолга сув қўйиб, унга жон берган “тарихий зарурат” ҳам худди биз унга қарайганимиз каби содда, самимий ва таъмасиз бўлади...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “ренессанс” масаласига фақуллода бугун юзланиб қолгани йўқ. Бу масала, яъни таълим ва илму фанни мамлакат ва жамият тараққиётининг лейтмотиви (асосий ҳаракатлантирувчиси) этиб белгилаш фикри унда азалдан бўлган. Хусусан, у давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунлари, 2016 йилнинг 30 декабрида мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашув айнан шунга ишора эди. Қолаверса, бунинг тарихий асослари ҳам бор. Президентимиз ўз нутқларида келтирган XII ва XV асрларда порлаган икки ренессанс — Уйғониш даври ҳам айнан шу тупроқ — бизнинг ватанимизда буй кўрсатганини эътироф этган эди.

Амир Темур эл-улусини мўъёл истило-сидан ҳалос этиб, одали ва беқўс салтанат тузгани, салоҳиятли ҳарбий мактаб яратгани, бутун бир Уйғонишни бошлаб бергани, шунингдек, Европа тамаддунига йўл очгани ҳам жазон муаррихлари томонидан бирдек эътироф этилади.

Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” XII асрда Европа тилларига таржима қилинганини, университетларда таълим олиш беш юз йил давомида шу китоб асосида ўқитилганини ким инкор эта олади?

Хилда Хукхэм “Етти иқлим соҳиби” китобида ёзишча, Британияда XVII асрда қиролнинг биринчи мунажжими иш бошлаган. У Мирзо Улуғбекнинг “Зиқи Қурағоний” асарига таанган ҳолда тадқиқот олиб борган...

Бундай мисоллар кўпдан-кўп. Форобий, Беруний, Хоразмий заковати ўша замондаёқ бутун бир оламга ёруғлик улашган. Ёки бўлмаса, Ислом оламнинг устунлари бўлган Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замаҳшарий, Баҳоуддин Насхбанди эса олайлик. Бу ёқда — Термизий, Мотуридий, Марғионий... Шоирлар султони ҳазрат Навоий...

Бу муътабар сиймолар кишилик жамияти бешигини тебратиб, тарих ғилдирагини тўғри йўлга солиш учун дунё юзини кўрган, десак, хўш, буни ким рад эта олади? Шу маънода, бугун дунё Ўзбекистонни том маънода “янги Ўзбекистон” деб атаётгани, Президент Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган сиёсат ва илм-фанни тараққий қилишга қарата оладиган буюк бир миллат камол топишида қўйилган дадил қадам бўлди, десак муболага қилмаган бўламиз...

Юқорида айтганимиздай, тарихчи худди сизу бизга ўхшаган оддий одамлар қурган, ўзгартирган. Бундай шахслар, одатда, қатъиятли, фидойи, миллат ва юрт ори, бахту саодати учун, керак бўлса, ширин жонидан кеча оладиган мард ўғлонлар бўлгани равшанлашади тарих китобларини варақлаганингизда.

Бугунги серташвиш ва долғали кунларимизда ҳаётимизга ўша олис ўтмишдаги буюк уйғониш насимлари эсмоқда, миллатнинг мард бир фарзанди муборак байроғимизни кўтариб, дунё саҳнасига чиқмоқда, дейлик, мен бунга ишонаман. Зеро, ҳар бир қаричи бир азиз-авлиёнинг, бир улғур алломанинг, ёки бўлмаса, Тўмарису Широқдай ёвқур ватанпарварларнинг хокипойини бағрига босган шу муътабар замин ва улғур миллатимиз минг бора бунга ҳақлидир!

Рақамли иқтисодиёт



“TADBIRKOR” АХБОРОТ ТИЗИМИ

инсон омили аралашувини етти баробар камайтириб, ҳужжатлар айланишини 15-25 баробар тезлаштиради

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шу пайтгача бирор ишни йўлга қўйиш иштиёқида банкдан кредит олмоқчи бўлган тadbirkor олдидан, асосан, иккита савол кўндаланг турарди. Биринчиси оладиган кредитга кафилик ва гаров масаласи бўлса, кейингиси ойлик фоиз тўловларни ўз вақтида қоплаш билан боғлиқ ҳадиқ эди.



Президентимизнинг 2017 йилнинг 17 августидаги “Тadbirkorлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори асосида ташкил қилинган молиявий муассаса бугун тadbirkorларга айнан шу икки саволга ечим топишда қўл келяпти.

Асосан, компенсация ва кафилик йўналишида фаолият юритаётган мазкур жамғарма ўтган давр мобайнида кўплаб бизнес субъектларининг оғирини енгли қилиб келмоқда. Бироқ тadbirkorнинг ундан молиявий кўмак олишга кетадиган вақти, ҳужжатлаштириш ва расмийлаштириш жараёнлари мақтанарли даражада эмас эди.

Асосий икки муаммо қандай ҳал этилади?

Ахборот тизими афзалликлари ҳақида сўз юритишдан олдин жамғарманинг асосий йўналишлари бўлган компенсация ва кафилик тартиб-қоидалари ҳақидаги изоҳга эътиборингизни тортасан. — Жамғарма томонидан тadbirkor олаётган кредитнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган ва максимал сумма 8 миллион сўмдан ошмаган кетмаган миқдорда кафилик тақдим этилади, — дейди Тadbirkorлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ижрочи директори Умрбек Исмоилов. — Айтилик, бир тadbirkor новвоихона очмоқчи. Бунинг учун у қурилиш бажаришга банкдан беш йил муддатга 1 миллиард сўм маблағ сўрапти. Банк ўз фаолияти йўналиши ва ички низомидан келиб чиқиб, шу суммадан кам бўлмаган миқдорда гаров талаб қилади. Аммо қарз олувчининг бунга қурби етадиган моли ёки кўчмас мулк бўлмагани мумкин. Ана шу вазиятда тadbirkor жамғарма молиявий кўмагидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бунда ташкилотимиз 500 миллион сўмгача кафилик тақдим эта олади. Тadbirkor қанча миқдорда кафилик олишни ўзи ҳал қилади. Соддароқ қилиб айтганим бўлса, жамғарма тadbirkorнинг ёнида ишончли вакилик туриб, агар у кредитни қайтара олмаса, 50 фоизгача булган қисмини биз тўлаб берамиз, деб мажбуриятни ўз зиммасига олади.

Шундай вазият рўй берса, биз шартномада келишилган маблағни банкга тўлаб берамиз. Бунинг учун тadbirkorдан белгиланган кафилик учун бир марталик 1 фоиз тўлов шаклида комиссия ундирилади.

Компенсация эса 14-21 фоизли кредитларга, Марказий банк асосий ставкасидан (14 фоиз) юқори қисмини, лекин 5 фоизли пунктдан ошмаган миқдорда тўлаб берилади. Яъни банк ва тadbirkor ўртасидаги келишувга кўра, тadbirkorнинг ойлик кредит фоизи 19 фоиз этиб белгилани дейлик. Демак, бунда 14 фоизини тadbirkor, қолган 5 фоизини жамғарма ҳар ой тўлаб боради.

Кафилик ва компенсация қайси йўналишларга берилмайди?

Жамғарма молиявий кўмагидан ҳар бир тadbirkor фойдалана олади. Фақат тadbirkorлик фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича молиявий ёрдами берилмайди.

— Талабгор илгари олинган кредитларни ёки исталган бошқа қарздорликни қайтариш, алкоғоли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик ташкилотлари ва умумий оватланиш корхоналарининг айланма маблағларини шакллантириш, савдо объектлари ва умумий оватланиш объектлари қурилишини молиялаштириш, банкдан ташқари кредит ташкилотлари ва лизинг компанияларининг ресурс базасини шакллантириш ҳамда таваккалчиликка асосланган қимор ва бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда шу мақсадлар учун ускуналарни харид қилиш учун кредит олишда жамғарма ёрдам кўрсатмайди, — дейди Умрбек Исмоилов. — Жамғарманинг молиявий ёрдамидан фойдаланишда тadbirkor баъзи талабларга жавоб бериши керак. Жумладан, компенсация олишда жорий кредитлар ёки бюджетга тўловлар бўйича мuddати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги, кафилик олишда

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган, тугатилиш босқичида бўлмаган, жорий кредит ва бюджетга тўловлар бўйича мuddати ўтказиб юборилган қарздорлиги бўлмаган ҳамда уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўзғатилмаган бўлиши лозим.

Компенсация давлат томонидан бериладиган беғараз ёрдамдир. Кафилик пулли хизмат ҳисобланади ва 1 фоиз бир марталик тўлов ундирилади. Компенсацияда кредит миқдори 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмағлиги, кредит фоиз ставкаси эса 14-21 фоиз бўлиши лозим. Муайян бир тadbirkorлик йўналишлари ва соҳалари учун кредит миқдори, ставкаси ва сонига нисбатан чекловлар Президентимиз қарорлари билан белгиланган миқдорда амалга оширилади. Бу йўналишларга иссиқхоналар ташкил этиш, ипақчилик, чорвачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар кирди.

Ахборот тизими афзалликлари

Ҳаётимиз тобора рақамлашиб бормоқда. Вақт қимматли товарга айланган. Тadbirkorлик субъекти эгалари борки, мушқули тез ечилиши, иши мuddатда битишини истайдилар. Давлат томонидан бериладиган бундай беғараз кўмак тadbirkorнинг оёққа туриб олиши учун тақдим этилади. Аммо ҳужжатбозлик ва оворгарчилик қўп ва хўп бўлган жойда коррупция қуртак очиб, гуллай бошлайди. Мазкур ахборот тизимининг ишга тушиши, аввало, айнан шу балонинг илдизига болта уради. Хўш, у тизимдаги яна қандай муаммоларга чек қўйди ва ишбилармонларга қандай енглилик беради?

— “Tadbirkor” ахборот тизими ишга тушгунга қадар, аввало, тижорат банки томонидан тақдим этилиб, кириб қилинган (қунига ўртача 30-40 та) буюртманомалар жамғарма томонидан кўриб чиқилган, — дейди жамғарма ижрочи директори ўринбосари в.б. Шерзод Рўзиев — Улар бўйича



баённома тузилган. Баённома қоғоз шаклида чиқарилиб, текширилган ва кейин имзоланган. Шундан сўнг қабул қилинган қарорлар бўйича тижорат банклари хабардор этилган (ижобий ёки рад этилгани тўғрисида хат юборилган). Буюртманомаларнинг электрон рўйхати қўлда кунлик шакллантириб борилган. Ижобий қарор қабул қилинган буюртманомалар бўйича 3 томонлама шартнома ҳам ҳодимлар томонидан қўлда шакллантирилган ва тижорат банкига электрон почта орқали юборилган. Тарафлар томонидан тасдиқланган, жамғармага етказиб беришга шартнома тўловни амалга ошириш учун асос ҳисобланган ва ҳужжатлар йиғмажилдларда жамланган бўрилган. Бу ҳужжат айланишига мижоз-банк-жамғарма-банк-мижоз-банк-жамғарма-мижоз йўналишида камида 20 кун вақт сарфланган.

“Tadbirkor” ахборот тизими ишга тушгач, жараён сезиларли даражада содалашди. Хусусан, мижознинг буюртманомаси хизмат кўрсатуви тижорат банкининг ўзидан тўғридан-тўғри жамғармага келиб тушиши таъминланди. Мижоз томонидан ўз буюртманомасининг ижросини онлайн тарзда кўриб туриш имконияти яратилди. Шунингдек, мижозга ҳужжатнинг ижро ҳолати бўйича СМС хабар юбориладиган бўлди. Шартномалар тизим орқали электрон шакллантирилиб, имзоланган жараённинг ЭРИ (электрон рақамли имзо) билан амалга ошириш йўлга қўйилди. Бунинг учун тadbirkor ўзида амалда бўлган солиқ ҳисоботларини топширишда қўлланаладиган ЭРИ калитидан фойдалана олади. Қолаверса, томонлар имзолаб бўлиниши билан 3 томонлама шартномани QR код орқали шакллантириладиган бўлди.

“Tadbirkor” ахборот тизими ишга туширилиши билан тadbirkorнинг жамғармага ҳужжат топшириш ва унга жавоб олиш учун кетадиган вақти ўртача 20-30 кундан 16-25 дақиқачага камайирилишига эришилди, ташкилотнинг иш самарадорлиги ошди. Қўл меҳнати кескин равишда камайди ва ҳужжатларнинг ижроси тизим орқали таъминланиши сабабли аниқлик оширилди, инсон омили аралашуви чек қўйилди. Бундан ташқари, ҳужжат айланиши жараёни шаффофлиги таъминланди, мижозларда онлайн

равишда буюртманомани кўриб бориш имконияти пайдо бўлди. Бунинг натижасида маълумотларнинг ҳаққонийлиги таъминланди, тизимни Давлат солиқ ва статистика қўмиталари билан интеграция қилишга эришилди.

Молиявий ёрдамдан фойдаланган тadbirkorлар сони 4 баробар ортди

Айтиш кераки, электрон шаклда буюртманомаларни тақдим этиш ушбу дастур орқали амалга оширилади бошланганидан сўнг хизмат кўрсатиш ҳажми кўнига ўртача 7 баробар ортди. Шу ўринда савол туғилади: жамғарма молиявий ёрдамидан фойдаланиш истагиди тadbirkorлар қанча?

Маълумотларга кўра, 2018 йилда жами 2145 нафар тadbirkorга компенсация ва кафилик хизматлари амалга оширилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 4622 нафарга етган. 2020 йилнинг III чораги ҳисоботида кўра, жами 14 607 нафар мижознинг талаблари ижобий ҳал этилган. Мана шу рақамларнинг ўзи ҳам иш ҳажмининг кескин ортганини кўрсатиб турибди. “Tadbirkor” ахборот дастури ишга тушгач, жорий йилнинг июнь ойида май ойига нисбатан 4 баробар кўп буюртманомалар қабул қилинган.

Демак, жамғарма молиявий ёрдамидан фойдаланган тadbirkorлар сони 4 баробар ортган. Айтиш кераки, пандемия сабаб тadbirkorларга яратилган имкониятлар қаторига яна бир енглилик қўшилди. Карантин тadbirkorлар жорий этишгунга қадар мижозлар компенсация ёки кафиликнинг биридан фойдаланиши ҳуқуқига эга бўлган бўлса, эндиликда бу тақиб олиб ташланди. Тadbirkorлар бир вақтнинг ўзида икки йўналишда ёрдам олишлари мумкин. Демак, ушбу ахборот тизим ИЛМ, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йиллида амалга оширилган самарали лойиҳалардан бири сифатида бемалол эътироф этасан бўлади. Умид қиламизки, бу ютуқлар жамғарма фаолиятини тақомиллаштиришдаги ишларнинг дебочаси ва мижозларга қулайлик яратишдаги кўрсатиладиган хизматлар янада ортиб боради.

Янги тажриба

2 СОТИХ майдондан 500 БОШ ҚОРАМОЛ

боқиш учун озуқа олинмоқда

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Навоий вилоятида чорвачилик кун сайин ривожланиб бормоқда. Ҳудудда сўғориладиган ерлар оз, чорва моллари кўп бўлгани боис, зарафшонлик тadbirkor Акбар Жўрақулов вилоятда биринчилардан бўлиб гидропоника усулида озуқа етиштириш технологиясини амалиётга жорий этди.



Лойиҳанинг ишлаш механизми оддий. У кичкина майдонга ҳар қандай турдаги дон маҳсулотларини экиб, катта худуддан олиш мумкин бўлган кўк майсаларни етиштиришга мўлжалланган. Унинг ёрдамида 1 метр квадратдан 1 йилда 10 тонна майса олиш мумкин.


Ҳозир атиги 180 метр квадрат майдонга ўрнатилган технология орқали ҳар кун 5 тонна кўк озуқа олаётган тadbirkor қорамоллари учун 1 йилда 1825 тонна майса етиштира олади.

Жараёнда махсус ускунага дон маҳсулотлари кетма-кет солинади,

майсалар эса ҳар 5-6 кунда ўсиб чиқаверади. Технологиянинг энг афзал жиҳати, унда кишин-ёзин худди кўк-ламдагидек кўк майса етиштириб, чорва молларини фойдали озуқа билан боқиш имкони мавжуд.

Акбар Жўрақулов раҳбарлик қилаётган “Нурли диёр парранда” масъулияти чекланган жамиятида ҳар ой гушт йўналиши бўйича 15 мингга парранда тайёрланиб, худуддаги бозорларга 25-30 тонна парранда гушти чиқарилади. Корхонада 500 бош чорва моли ҳам бор. Узоқ йиллардан буён шу йўналишда ишлаб келаётган зарафшонлик тadbirkor кўплаб хориж давлатларида сафарда бўлиб, чорвачиликни ривожлантиришда қўл келадиган замонавий технология ва ускуналарни фермер ҳўжалигида қўллашга интилади. Гидропоника усулида озуқа етиштириш технологиясини ҳам у чет элда кўрган, аммо бундай ускуналар ўзимизда бир неча баробар арзон ишлаб чиқарилиши билан, дарҳол банкдан 1 миллиард 360 миллион сўм имтиёзли кредит олди ва Тошкентдаги “Интехнол” корхонаси билан 5 тонна сифимга эга ускуна учун шартнома имзолади. Мазкур технологиянинг ишлаб чиқарилиши ва афзалликлари ҳақида “Интехнол” корхонасининг муҳандис-конструктори Музаффар Ирисметов бундай дейди:

—Технологиянинг яратилиши, ишлаш механизмининг хорижнинг бир қатор давлатларида кўриб, сўнг уни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Уни тайёрлашда иқлим шароитимизга мос келиши, фойдаланишга



Маълумотларга кўра, 2018 йилда жами 2145 нафар тadbirkorга компенсация ва кафилик хизматлари амалга оширилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 4622 нафарга етган. 2020 йилнинг III чораги ҳисоботида кўра, жами 14 607 нафар мижознинг талаблари ижобий ҳал этилган. Мана шу рақамларнинг ўзи ҳам иш ҳажмининг кескин ортганини кўрсатиб турибди. “Tadbirkor” ахборот дастури ишга тушгач, жорий йилнинг июнь ойида май ойига нисбатан 4 баробар кўп буюртманомалар қабул қилинган.



Ҳозир атиги 180 метр квадрат майдонга ўрнатилган технология орқали ҳар кун 5 тонна кўк озуқа олаётган тadbirkor қорамоллари учун 1 йилда 1825 тонна майса етиштира олади.

қулайлиги, асосийси, нархи арзонлигини таъминлаш каби жиҳатларга эътибор қаратилди. Бир неча йиллардан буён ускунанинг барча қисмлари ўзимизда чиқарилиб, тўлиқ ҳолида республикамизнинг турли худудларидаги фермерларга сотилмоқда. Лойиҳани яратишда ҳар бир бош молга 10 килограмм сифим миқдор белгиланади. Шу асосида 250 килограммдан бошлаб 10 тоннагача ҳажмга эга ускуналар чиқарилади. Бизда бу технология кўпича буюртма асосида тайёрланади. Ҳозир нафақат республикамиз, балки қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушиб, харидорларимиз сони ортиб бормоқда. Юртимизда барча тармоқлар қатори чорвачиликни ривожлантиришга

қаратиладиган эътибор натижасида кўплаб фермер ҳўжаликлари бундай замонавий ва тежамкор технологияларни қўллашга катта қизиқиш билдирипти. Акбар Жўрақулов корхонаси учун тайёрланган 5 тонналик ускуна нафақат Навоий вилояти, балки республикада биринчи йирик лойиҳа, десам муболага бўлмайди.

1 килограмм дондан 5-7 килограмм майса олинмоқда

Айни пайтда хорижда бир неча баробар қиммат бўлган гидропоника усулида озуқа етиштириш технологияси тўлиқ

30 сентябрдаги тарихий йиғилиш таассуротлари бир дафтарга сиймайди. Маърузада айtilган ҳар бир фикр, илгари сурилган ҳар бир ташаббус олам-олам таассуротларга сабаб бўлди.

Фурсат ғаниматдир...

НУРЛИ МАЁҚ

(тарихий машваратдаги ўйлар)

Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла, Безамоқ чоғидир умр дафтарин...

Академик шоиримиз Ғафур Ғулумнинг бу сатрларини билмайдиган ўзбек бўлмаса керак. Ҳа, фурсат ғанимат эканини билатуриб, журъат қилмаганнинг орузлари кейин армонга айланаверар экан. Яхшики, қоғоз бор, қалам бор. Дарду армонингни тўқиб соласан, қоғоз барига чидайди. Чизиб йиртсанг ҳам, безаб авайласанг ҳам у қўлдаги нақдинг...



Шуҳрат РИЗАЕВ, адабиётшунос

Шу таскин-тараддудда 30 сентябрь куни, ҳеч иштибоҳсиз, Ватанимиз тарихига шоҳ сатр бўлиб қирадиган тарихий машваратнинг бевосита иштирокчиси бўлиб ва унда Ўзбекистон Президентининг ёрқин маърузасини тинглаб ўтириб, руҳиятимга, фикратимга талотўп тушиб, журъатсизлик сабаб айтолмаганим баъзи ўй-хаёлларни газетонлар билан ўртоқлашим келди.

Дунёда гоғлар кўп — марғуб, матлуб, машру, мўтабар... Ҳа, гоғлар бор — шонли, шарафли, шиддаткор ва бунёдкор. Гоғлар бор — вайронкор, бузғун ва эзгин. Устозимиз айтганда — гоғ нон мисоли бўлмоғи керак, деб. Дастурхонингда ҳар турли ноз-неъмат бўлиши мумкин. Сурункали тановул этаверсанг, меъданга тегади, нари сурасан. Аммо нон ҳамisha кўзингнинг қувончи, тананинг тилаги, ҳалқумнинг хоҳиши. Ҳар не зиёфатки бўлсин, бир бурда нонингга қайтаверасан.

Ҳақиқатан, гоғ шундай — ҳамisha азияз лазиз нон бўлмоғи зарур, агар у яратувчи, йўлловчи, йўналтурувчи ва бари юрт — миллатнинг кайфияти, интилиши, орзу-муродини ўзида мужжасам этса, албатта.

Биз табаррур истиқлолимизнинг қарийб ўттиз йилли давомида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” орзуси билан улғу ишларга шайландик, “юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги”ни бош гоғимиз деб белгиладик. Жуда мақбул, муаззам, муборак гоғ, табаррур ниёт. Аммо ким, қайси одам, эл, мамлакат истамайди бунни. Бани башар яралибдики, бари шу орзуда, ҳозирги бори онгли, тилли, дилли мавжудотки бор, шу тилакда. Демак, бизнинг бутун олам ахлидан фарқли жойимиз йўғ — тарихимиз, тараққиётимиз, жуғрофий ҳудудимиз, иқлим шароитимиз, ижтимоий онг-тафаккуримиз, тарбия, тушуноча-тасаввуримиз, туриш-турмуш, анъана-қадриятларимиз... ўзгалардан ўзгача, ўзига хосу, аммо гоғимиз бир. Шундайми... шундайми...? Ҳа, бошқа ҳаммаса бошқачароқ бўлиши мумкин, аммо гоғ бир, битта бўлиши ҳам мумкин. Лекин у қарашлар мужжасами, фикрлар, ўйлар, йўллар жамулжам ўлароқ, ҳар хиллик, турлилик кашф этиши мумкин ва, албатта, шундай бўлиши шарт. Акс ҳолда, умумбашарий фаровонлик, тинчу осийшталлик шиори остида мавҳумот ва маҳдудлик доирасига кириб қолиб, маёқни йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас. Шундай ҳам бўлган, бунга умумжаҳоний тарихнинг шоҳидликлари кўп.

Очиги, ўттиз йиллик яқин кечмишимиз яратувчанлик амаллари билан марғуб кечган эса-да, миллий тикланиш машаққат заҳматларини қўриб, гоғи гоғлиблик нашидасини суриб, гоғи ажзу заифлик ила аччиқ сабоқлар захмини тортган бўлсак-да, йўлимиз тўғри

дея юксалиш мўлжалларини қилдик. Шуқри, сўнги тўрт йиллик тарихимиз юксалиш тилагидаги одимларимизни шахдам қадамларга алмаштиришти, амалимиз, шахду шижоатимиз нафақат юртимизни, балки онгу тафаккуримизни ҳам том маънода янгилашти, “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган гоғимиз ғалабалар сари йўллашти. Эндилкида гоғимиз ғалабамизга ростмана айланмоғи учун уни аниқ ва тиниқ, конкрет мақсад билан тўйинтироқ зарур бўлаётган эди. Поёнсиз уммон узра бир нури маёқ эҳтиёжи пайдо бўлганда. Ана шундай маёқ ўлароқ, Учинчи Ўйғониш — Ренессанс гоғи, яъни миллий юксалиш гоғисининг меҳварини яратиш масаласи бугун бутун Ўзбекистон халқининг яқин чорак асрга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ҳаёти кун тартибига қўйилди. Бу шобён кўтулган тарихий ҳодиса Уқитувчи ва мураббийлар кунни умумхалқ байрами арафасида содир бўлди ва, ҳеч муболағасиз, ҳар бир ўзбекистонликнинг онги ва қалбига сингиди.

Президентимиз IX-XII ва XIV-XVI асрларда юзага чиққан Ўйғониш — биринчи ва иккинчи Ренессанс ҳақида сўз очиб, дунёвий илму фан йўлидаги қомусий алломаларимиз, диний илмлардаги машури жаҳон уламоларимиз, адабиёт ва санъатимиз улғулари, буюк муаррих ва мусаввирлар номларини бирма-бир келтириб, жаҳоншумул Ўйғонишлар улкан шахслар фаолияти мисолида содир бўлишини бот-бот таъкидлади.

Чамаси икки йиллар аввал юртимиз раҳбарининг “Биз онгли равишда онгсизликни кучайтиришга зўр бердик”, дея яқин тарихимиз ҳақида айtilган очиқ ва аччиқ ҳақиқат гаплари хаёлимдан ўтди. Ношуқурлик бўлиб туюлмасин-у, истиқлолимизнинг дастлабки даврларидаги қизгинлик ва барча қораю оқ доғларни ювиб, тарихий кечмишларимизнинг энг қадим давридан то XXI асргача бўлган барча воқеа-ҳодиса, шоҳу шахсларга, арбобу сулолаларга, шоиру олим, дин аҳлига ошқора ва объектив муносабат устувор бўлди. Бироқ 2000 йиллардан ўтиб, бу ёғига “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деган ҳикмат барча кўзга қўринарли маъво-масканлар пештоқиқа ширордек осиб қўйилган эса-да, тарихга ола-қуроқ ёндашув, Ўзбекистон ягона тарихининг айрим шаҳифалари ва шахсларига ноҳолиси муносабатлар буй кўрсата бошлади. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихидан бошлаб, Олтин Ўрда хонлиги даври, Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги, XIX аср иккинчи ярми кечмишлари, Дукчи Эшон воқеаси, то жаҳидлар ҳаракатигача субъектив қарашлар таъсирига тортилди. Ҳатто жаҳидчиликни ўрганишга умрини бахшида этган устозимиз профессор Бегали Қосимовни туркпарастлик мақсадлари кўзлаган ҳаракатнинг тарғиботчиси, дея номини оммавий ахборот воситаларида чеклаш, ижтимоий яқалаш усулларига мурожаат қилиндики, бунни келгуси авлодларга сабоқ ўлароқ, адолат юзасидан эсга олмақ жоиз, албатта. Демократимизки, буюк тамаддунларнинг ижодкори буюк шахслар эканини, демак, шахс тарбияси энг бирлашма мақсад бўлмоғи кераклигини англаган ҳолда. Соҳибқирон бобомиздан кейинги шундай салоҳият 1991 йилдагина қўринди, деган ноҳолиси тушунчалар аста-аста болалай бошлади. Шахс тарбияси масаласи, умуман, кун тартибидан сурилиб кетди, ҳатто шахс нари турсин, унча-мунча индивидуал хислатлари намоён бўлган қора кўзки пайдо бўлди, қосаи оқармаслигига ақли етибми, тинчгина умргузаронлик йўлини тўтди. Таассуфки, бу ҳам айни ҳақиқат.

Тарихий машваратдаги маъруза бошланишидаёқ бир сўз айtilди: “Биз бугун мулоқот қилишимиз керак. Бир-биримизнинг фикримизни тулдириб, фикрлашиб олмоғимиз керак”. Мулоқот кишиларнинг учрашиб, қўришиб суҳбат қурмоғи экан, демак, муайян муҳит пайдо бўлади. Ақл-ақлдан қувват олиб, фикр алмашув, мунозара, мувоҳасаларга йўл очилади. Қарабсизки, янги-янги ижодий, илмий, амалий лойиҳалар ўртага тушади, бадийий, илмий-фанний мантиқли хаёлот авжланади. Пироваврида кашфиётлар, интеллектуал ва ижодий парвозлар содир бўлади. Дарҳақиқат, маъруза йиғилишининг ўзида жуда жонли, амалий фойдали мулоқот бўлди ва мамлакат илм-фани, мактаб таълим тизими, кадрлар тайёрлаш муаммолари, жамият маънавий-маърифий потенциални юксалтириш билан боғлиқ танқидий-таҳлилий фикрлар, тавсиялар ўртага тушди. Назаран, бутун мамлакат вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри зиёлилари билан жонли ҳамда видеомулоқот шаклида ўтган машварат келгуси катта бир зиёлилар қурултойининг дебчоси таассуротини ўйғотди каминида.

Бундан 64 йил муқаддам, аниқроғи, 1956 йил айни октябрь ойда Ўзбекистон зиёлиларининг 1-қурултойи ўтказилган. Қурултойни қаҳришдан мақсад Шўролар Коммунистик партиясининг И.Сталин шахсига ситиниш сийсатини кескин қоралаган XX съезди туфайли пайдо бўлган бироз эркинлик, илмлик шабадаларидан фойдаланиб, Ўзбекистонда мафкуравий ҳаёт, қатогон сийсатига муносабат, миллий кадриятларни имкон қадар тиклаш каби масалаларда зиёлилар билан маслаҳатлашиб олиш кўзда тутилган. Бу пайтда республика раҳбариятида Нуриддин Мухитдинов, Шароф Рашидовдек миллат тўйғуси билан яшаган шахслар, Ойбек, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби атоқли шоир-ёзувчилар, Ҳабиб Абдуллаев, Тошму-



ҳаммад Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Яхё Ғулумов, Иброҳим Муминов, Собир Юнусов, Обид Содиқов, Саъди Сироқиддинов, Ёлқин Тўрақулов каби табиий ва гуманитар фанларда жаҳоний эътирофга эришяётган фидойи олимлар қизгин фаолият юритаётган эдилар. XX аср Ўзбекистон тарихининг зарварларига номи яқин экирт этилган бу шахслар айнан шу зиёлилар қурултойида миллатимизнинг ўтмиши ва кечмишларига холис баҳони бериб, буюкларнинг тарихимиздаги ўрнини барқарор қилиб, келажак тараққиёт режалари тархини чизмоққа шайланган эдилар. Афсуски, дафъатан пайдо бўлган илиқликдан фойдаланиб, катта илмий, ижодий мақсадларга интилган зиёлиларнинг орузлари ораддан тўрт-беш йил ўтиб яна сўнди, саробга айланди. Компартия бош идеолоғи Михаил Андреевич Сулов раҳнамолигидаги мафкуравий босқин чекка шўро республикаларидаги барча эзгу интилишларга тоғдек тўсиқ қўйди. Кейинги чорак аср давоми бу тўсиқдан шу қадар



муштақкам қўрғон ясалдики, ҳали-ҳануз ҳақ қайда, ноҳақ қайда, ким эгрию нима тўрилигини фарқлолмай, ижтимоий тарих мутахассислари оввораю сарсон. Балки айни шу ҳодисаларни назарда тутиб, Президентимиз дард билан “Бугунги йиғилиш бу мажлис эмас — бу бизнинг армонимиз!” деб айтди ва комил ишонч билан “Ўзлимизни англаш вақти келди!” деди. Чирра ажаб эмаски, бу қалбдан сизиб чиққан дард ва даъват ортидан “Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади” деган қатъият жаранги барчани оёққа турғазди.

Ана шу ҳаяжонли дамларни кузата туриб, дилда шукрона билан, илоҳо кўз тегмасин бизларга, синовлардан омон сақласин, деган ўй ўтди ва бақамти бир тилак уйғонди — мана энди тамомила бошқа муҳит ва мақсадда Ўзбекистон зиёлиларининг қурултойини қаҳирмоқ фурсати етибди.

Туркий қавмларда қадимдан мавжуд бўлган урфга кўра, давлат,

кўзда тутувчи миллий дастур яратиш ва уни бори мамлакат ҳам халққа тааллуқлилигига кўра, чорак асрлик истиқбол нуқтаи назаридан, Ўзбекистон Республикаси қонуни сифатида қабул қилиш зарурдир.

Маъруза кунюнда ва миллий дастурда мамлакатимиз раҳбарининг маърузасидаги “Бизга шахслар керак, фидойилар керак” деган қатъий даъватидан келиб чиқиб, шахслар тарбияси масаласи энг устувор масала бўлмоғи шарт.

Тарихий машварат — мулоқотда фикратимни эгаллаган яна бир тақриф пайдо бўлди. Бу яна тарихий адолатни тиклаш билан боғлиқ. Бинобарин, Ўзбекистон Президенти замонавий жаҳон ва Ўзбекистон тарихига адолатни тикловчи ва барқарор этувчи раҳнамо сифатида қиряпти. Шундай экан, миллат кечмишларининг айрим норасоликларини эслатиб турмоқ зиёлилар учун бурчли вазифадир.

Шу маънода йиғилишда каминани жуда ҳаяжонлантирган яна бир ҳодиса, бу Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидовнинг “Буюк хизматлари учун” ордени билан муқофотланиши бўлди. Шу дамларда онгли ҳаётини жаҳид аждодлар меросини ўрганишга бахшида этган устозларимиз руҳлари ҳам шод ва ҳаммаслақ сафдошларимиз кўнгли сарафроз бўлди бу хабардан. Билмак, мен кўзларим билан шу йиғилишда иштирок этаётган XX аср бошлари адабиёти, Абдулла Қодирий ижодини ун йиллар оша иштиёқ билан ўрганиб келаётган Баҳодир Каримини изладим ўша тобда. Ишончим комил эдики, шу дамда унинг ҳам кўзларида ёш эди...

Барча издиҳом аҳли давлатимиз раҳбарининг муборак фармонидан оёққа қалқиб, олқишлар экан, яна хаёларимизнинг кенгашлари асосида ҳал этилган, тартибланган. Бугун биз шундай бир оламшумул бурилиш жараёнида турибмизки, мамлакатимиз, миллатимиз тақдир ва келажиги билан боғлиқ ҳолда ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига дахлдор бўлган муҳимлардан-муҳим ҳаётли гоғ кун тартибига қўйилди. Мамлакат Президенти илгари сурган гоғнинг бекаму кўст ижроси учун бутун халқ сафарбар экан ва уларни бу йўлда юрт раҳнамоси етакчилигида юрт ойдинлари — зиёлилари марралар сари бошлаб борар экан, айни шу зиёлиларнинг машварати, аждодларимиз урфига кўра, катта қурултойга эҳтиёж бор. Бу издиҳомда ўша гоғнинг амалга оширув жараёнлари, яъни барча тизимларга аниқ тактик ва стратегик вазифалар белгилаш, уларнинг бажарилиш босқичлари, молиявий манбалари, вазифалар ижросидан дастлабки тарзда олиннадиган самаралар ва яна бошқа муҳим жиҳатларни

хотира кечалари ташкил этган бир буюк ватандошимиз хотираси олдида миллатимизнинг маънавий қарзлари кўп, деган мулоҳаза қийнар эди. “Буюк хизматлари учун” орденининг берилиши Мунавварқори ҳазратлари хотираси олдидаги маънавий қарздорликнинг бир қур узилиши бўлди, назаримда.

Энди яна бир адолат шуки, Мунавварқори Абдурашидовнинг 1918 йил Тошкентнинг Эски шаҳрида маориф раҳнамоларидан бўлиб “Халқ дорилфунуни” ташкил этади ва бу олий ўқув даргоҳи кенгаши раиси бўлиб, унинг тўлақонли шаклланиши ҳамда фаолият юритишида жонбозлик кўрсатади. “Халқ дорилфунуни” бу ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг асосидир. Унинг туғилиш санаси Қизил шўролар етакчиси В.И.Лениннинг 1920 йилдаги декрети эмас, балки Мунавварқори Абдурашидовнинг раҳбарлигидаги 1918 йил 12 майдаги қарордир.

Ўзбекистон Миллий университети ҳозир Мирзо Улугбек номида. Бу ўз вақтида қутлғу ниятлар билан берилган унвон ва шараф, албатта. Аммо яқин кунларда биз Самарқанд давлат дорилфунунининг бундан 600 йил муқаддам Мирзо Улугбек мадрасаси олиясидан илдиш олган шонли тарихий санасини байрам қилиш тараддудидамиз. Бу масалага Уқитувчи ва мураббийлар кунни арафасидаги тарихий машваратда давлатимиз раҳбари алоҳида тўхтади ҳам. Хуллас, тақриф-муддаоки, ҳақ жойига қарор топиб, Самарқанд давлат университети Мирзо Улугбек номи билан, Ўзбекистон Миллий университети эса Мунавварқори Абдурашидовнинг номи билан шарафланса, адолатнинг яна бир тантанаси бўлади.

30 сентябрдаги тарихий йиғилиш таассуротлари бир дафтарга сиймайди. Маърузада айtilган ҳар бир фикр, илгари сурилган ҳар бир ташаббус олам-олам таассуротларга сабаб бўлди. Бу ҳар бир иштирокчи, маърузани оммавий ахборот воситалари орқали ўқиган, қурган, эшитган фикрловчи барча инсонларнинг хаёлидан ўтган бўлса, ажабмас.

Президентимиз маъруза сўнгида “Биз илиги тўқ халқимиз”, замонавий тилда айтса, “билим-маърифат генералимизда бор”, дея ўзбекистон жайдари иборамизни эслатди. Ҳа, “илиги тўқлик” ҳар бир даврда, у ҳатто Ўйғониш палларари бўлишидан қатъи назар, беистисно ҳамма даврларда узининг белгисини берган. Бунни буюк Ойбек узининг умр сўнгидаги донишга тўла бир рубойисидида “Қуш тили”, яъни “Лисон ут-тайр” достонини яратган ҳазрати бобомиз Алишер Навоий руҳидан мадад тилаб, бундай ифодалаган:

Давр сўқмоқлари изимдан чўтир,
Ҳар бир хок шивирлар
Бир лаҳза ўлтир.
Қушлар тили пири —
Кўнлимда тилак,
Излаймен марвариди,
Қўлимда элак.